

**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани
Халқ таълими бўлими**

Ўқитишнинг “Тўрли усули”

**272-мактаб 1-тоифали физика фани ўқитувчиси
Назаров Абдувоҳит Юлдашевич**

Тошкент 2008 й

Ўқитишнинг тўрли усули

Фарзандларимиз биздан кўра
билимли, кучли, доно ва
албатта бахтли бўлишлари лозим.
И. А. Каримов

Тарихдан маълумки, XIX – асрнинг иккинчи ярмида чор Россия Туркистонни забт этишидан олдин йиллар давомида ерлик аҳолининг дини, мослиги, маънавияти, урф-одатлари анъаналарини ўрганишган. Бундан кўзлаган мақсад эркесвар, маърифатпарвар элни қандай қилиб бўйсундириш бўлган. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг бу ишлар босқичма – босқич амалга оширила борилди. Қарийб бир ярим аср мобайнида ўзбек халқи қарам, тобе ҳар қандай буюруқларни бажарувчи зомбига айлантирилди. Ўзбекнинг миллийлиги, маънавияти деярли йўқ қилинди.

1991 йил 31 – августда Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинди. Шу кундан бошлаб ўзбек яна ўзини қайта тиклай бошлади. Мустақиллик йилларида аввало халқнинг маънавий маърифий даражасини кўтаришга эътибор берилди. 1997 йил 29- августда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури” бунга яққол мисол бўла олади. Энди Республикамизда ўқитишнинг янги усуллари, дастурлари, дарсликлар яратила бошланди. Мақсад – келажагимиз бўлган ёш авлодни билим малака ва кўникмаларини янада юқори даражага кўтариш.

Устоз ва мураббийларга бўлган эътибор кучайтирилди. Уларнинг бурч ва вазифаларига аниқликлар киритилди. Энди синфга ўқувчилар олдига қираётган ҳар бир ўқитувчи катта маъсулиятни, яъни бу ўқувчида менинг фарзандларим, деган хиссиётни сезиши керак.


Ҳар бир ўқитувчи ўз фанининг билимдони бўлишидан ташқари ижодкор бўлиши ҳам керак. Ўз устида ишлаши, ўзининг билим даражаси, салоҳиятини тинмай ошириб бориши лозим. Ҳар бир дарсга пухта тайёрланиши, ўқувчиларда ўзининг фанига қизиқиш уйғота олиши керак. Бунинг учун дарс жараёни сценрийини муттасил такомиллаштириб бориши керак.

Ўқитувчи – ўз дарсининг ижодкори. Мен ҳам дарс жараёнини қизиқарли, самарали ўтиши учун турли услублардан фойдаланаман. Изланишлар, кузатишлар натижасида ўзимнинг “Ўқитишнинг тўрли усули”ни яратдим.

Ўқитишнинг “Тўрли усули”

Тўрли усул – янги педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни ҳар қандай мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Бундан ташқари бу усул ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрларини эркин ҳамда эркин равишда узвий кетма-кетликда боғлаб ифода этиш олишларига имкон беради.

Бу усул бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларни фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини яхши ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда шу мавзунини бўйича фикр ва мулоҳазаларини тизимли ифодалашга ундайди. Бу эса ўқувчиларга ўз билимлари, тушунишлари ва тасаввурлари даражасини аниқлашга ёрдам беради.



Ўқитишнинг “Тўрли усул” қуйидагича ташкил этилади:

1. Мавзуга оид ҳар қандай фикрлар йиғилади ва умумлаштирилади.
2. Келтирилган фикрлар мавзуга боғ'лаб илмий асосланади.
3. Илмий асосланган фикр мантиқий мулоҳазалар билан бойитилади ва кенгайтирилади.

4. Мантикий мулоҳазалар билан бойитилган илмий асосланган фикр дарс жараёнида экспериментал ёки математик исботини топади.

Ушбу усул якка, кичик гуруҳ, жамоа билан ишлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Гуруҳ ҳолатида қўлланилиши гуруҳлар фикрини тўплаш ва уларни ягона мақсадга олиб келиши мумкин.

Бу усулга кўра дарсда билим бериш жараёни оддийдан мураккабга қараб ўсиб боради. Оддий, элементар тушунчалардан мураккаб деб ҳисобланган тушунчаларга турли йўллар билан, эркин фикрлаш билан етиб борилади.

“Ўқитишнинг тўрли усули” бир қанча афзалликларга эга:

- Ўқувчи кузатув ва тажрибаларга асосланиб хулоса чиқаришни ўрганади.
- Ўқувчи ўзи танлаган йўл билан мақсадга эришади.
- Ўқувчининг ўзи мақсадига эришиши учун йўл танлашни ўрганади.
- Ўқувчи турли ҳодисаларни ўзи асослаб бериш имкониятига эга бўлади.
- Ўқувчи кўр-кўрона эмас мантикий мулоҳаза қилишни ўрганади.
- Ўқувчи мантикий мушоҳада қилишни ўрганади.
- Ўқувчи охир-оқибат ҳар қандай ҳодисани исботлай олиши мумкин.
- Ўқувчи мустақил фикрлашни ўрганади.
- Ўқувчи мустақил билим олишни ўрганади.

“Ўқитишнинг тўрли усули”да қўйилган мақсадга эришишда синфдаги ўқувчиларнинг билим даражасига асосланилади. Яъни:

А) ўқувчиларнинг билим ва мушоҳада этиш даражаси кучли бўлса, мавзу ўқувчиларга бир марта тушунтирилиб охир натижага уларнинг ўзлари етиб боришлари мумкин, бу ҳолда ўқитувчи уларни мақсад сари йўналтириб туриши шарт эмас;

В) ўқувчиларнинг билим ва мушоҳада этиш даражаси ўртача бўлса, мавзу ўқувчиларга илмий ва тажрибавий тушунтирилиб, охир натижага уларнинг ўзлари етиб боришлари мумкин, бу ҳолда ўқитувчи уларни мақсад сари фақат улар адашган тақдирдагина йўналтириб туради;

С) ўқувчиларнинг билим ва мушоҳада этиш даражаси қуйи бўлса, мавзу ўқувчиларга илмий ва тажрибавий тушунтирилади ҳамда бу ҳолда ўқитувчи уларни доимо мақсад сари йўналтириб туради.

Ўқитишнинг “Тўрли усули” ўқитиш ва дарс ўтиш услубининг (методикасининг) қуйидаги гуруҳларини ўзида мужассамлаштирган.

1. Ўқув жараёни ва мустақиллик даражасига кўра:

○ репродуктив (бу услубда ўқувчиларда билим ва кўникмалар ҳосил қилиш учун берилаётган маълумотлар ва кўрсатилган тажрибаларни бир неча марталаб қайтарилади);

○ эвристик (бу услубда ўқитувчи масалани ечишнинг ҳар бир қадамини бажаришни ўргатади, ўқувчилар секин аста масалани мустақил ечишга яқинлашишади);

○ изланиш (бу услубда ўқувчилар масалаларни мустақил ҳал этишади, олинган билимларни қўллаш ва янги усулларни ўрганишга қизиқиш ортади, уларда ижодий фикрлаш шаклланади).

2. Мавзу баёни бўйича:

○ изоҳли-иллюстратив (ўқитувчи тайёр маълумотларни турли воситалар орқали баён этади, ўқувчилар қабул қилади, ўзлаштиради ва хотирасида сақлайди);

○ муаммоли (ўқитувчи вазифа қўяди, ўзи ҳал этади, ҳамда бошқа ҳал этиш усуллари кўрсатиб беради, ўқувчилардан ечимга олиб борадиган фикрларни баён этишни сўрайди);

○ амалий (ўқитувчи амалий вазифа қўяди, ўзи ҳал этади, ҳамда бошқа ҳал этиш усуллари кўрсатиб беради, ўқувчиларга бошқа амалий вазифа қўяди).


Маълумки, фақатгина ўқитиш усулининг ўзи таълим мазмунида кўзда тутилган мақсадларга эришиш имконини бера олмайди. Бунини педагогик технологиянинг қуйидаги структурасида яққол кўриш мумкин.



Физикада ўқитишнинг қандай техник воситалари бор? деган савол юзага келиши табиий. Ҳар бир усулни қўллашда пойдевор, яъни асос керак бўлади. “Тўрли усул”ни қўллашда ҳам дарсликлардан, физик масалалар тўпламидан, тестлар банкидан, ҳар хил жадваллардан фойдаланилади. Шу билан бирга, физика фанида энг муҳим асос замон талаби бўлган илғор ахборот коммуникацион технологиялари фойдаланиш ҳисобланади. Ўқувчилар тасаввурида ҳосил қилиш керак бўлган ва очиб берилиши лозим бўлган мавҳум тушунча ва физик ҳодисаларни мультимедиа проектори ёрдамида фильм ва

анимацияларда, слайдларни эса кодоскопларда кўрсатиш яхши самара беради.

“Ўқитишнинг тўрли усули”да физикадаги ихтиёрий мавзу осонлик билан ўқувчилар онгига етиб боради. Масалан:



Бу усул нафақат физика фанида балки бошқа фанларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Бу услуб нафақат мактаб ўқувчилари, хатто олий ўқув юртларига киришга тайёргарлик кўраётган абитуриентларда ҳам ўз самарасини бермоқда. Масалан: 2005-2006 ўқув йилида Тошкент Ахборот Технологиялари Университетига кирган Қосимов К, Раҳмонбердиев Р, Мажидов Ф, Тошкент Давлат Техник Университетига кирган Исмоилов Ф, Йўлдошев С, 2006-2007 ўқув йилида Ўзбекистон Миллий Университети физика факультетига кирган Азимов А, Тошкент Текстил ва Енгил саноат институтига кирган Мирзаахмедова М, Тошкент Ахборот Технологиялари Университетига кирган Тошхўжаев Ш, Акбаров Д, 2007-2008 ўқув йилида Тошкент Авиация институтига кирган Иноғомов С, Расулов К, Тошкент Ахборот Технологиялари Университетига кирган Мирзаев М, Тошкент Давлат

Техник Университетига кирган Мўминов Ф, Абдуллаев Р шулар жумласидандир.

2006-2007 ўқув йилида мактабимизни битирган 106 та 9-синф ўқувчиларининг 24 нафари асосий йўналиши физика бўлган лицей ва коллежларни танлашганлиги бу усулнинг ўз ўрни борлигидандир. Битирувчиларнинг 22,6 % ташкил этувчи кўрсаткич ўқитишнинг “Тўрли усули”нинг бошқа усуллардан афзалликка эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов ўз асарларида ***“Эртанги кунимиз фаровон бўлсин десак, ривожланган давлатлардан кам бўлмасдан орзу-мақсадларимизга эришишни истасак, бошлаган ишимизни изчиллик билан давом эттиришимиз лозим...”***, деб таъкидлаб ўтганлар. Уларнинг шу кўрсатмаларига асосан биз ўсиб келаётган авлодга изчиллик билан билим беришимиз ҳаётимиз мазмунига айланмоғи шарт.